

СИЁСИЙ ИМИДЖНИ ШАКЛАНТИРИШДА ПАРТИЯ НАШРЛАРИНИНГ ЎРНИ

Шахбоз Абдусатторов
ЎзЖОКУ магистранти

Резюме. Уибу мақолада сиёсий партияларнинг тарзибот материалларининг мазмуни ҳақида сўз боради. Шунингдек, мавжуд муаммо юзасидан тегишили таклиф ва тавсиялар келтирилади.

Калим сўзлар: Сайлов жараёни, сиёсий партиялар, ОАВ, матбуот.

Resume. This article is about the content of political parties' propaganda materials. Also, relevant suggestions and recommendations are given regarding the existing problem.

Key words: Electoral process, political parties, mass media, press.

КИРИШ

Сиёсий партиялар ўзларининг бош сиёсий мақсадларидан ҳамда электорати манфаатларидан келиб чиқиб турли хил ғояларни илгари суради. Бизнинг назаримизда ҳар қандай сиёсат замирида Ватан, Халқ, Миллат манфаатлари ётади.

Юртимиздаги сиёсий партиялар ватан тақдири ва истиқболи, эркинлик, қонунийлик, ҳуррият ва миллий ғоя учун курашишни ўзининг асосий мақсади деб билади. Партияларнинг ҳар бир тадбиридан бу руҳиятни ҳис қиласиз.

Зеро, партиялар биринчи ўзак – бошланғич ташкилотлар орқали халқ ичига тез ва дадил кириб боради. Бу мамлакатимиз сиёсий партияларининг миллийлигини ҳам ифода этади. Шунингдек, партияларнинг жамоатчилик билан алоқалари сайлов жараёнида янада фаоллашади. Чунки, партияларга халқ олдида ўзлигини намоён этадиган минбар яратилади ва партия аъзолари турли хил сиёсий-хуқуқий қарашларига эга бўлган сиёсий партияларнинг баҳс-мунозаралари кечадиган майдоннинг фаол иштирокчиси сифатида намоён бўлади. Ўз навбатида ушбу фаолият партиядан ва депутатликка номзодлардан катта масъулият, маҳорат ва баҳс одобига риоя этишни талаб этади[1].

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Мамлакат ижтимоий-сиёсий майдонида халқчил ва ҳаётий ғоялари билан ўз ўрни ва обрўсига эга бўлаётган **Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси** Ватан тараққиёти учун хуқуқий демократик, барча учун фаровон ҳаёт

таъминланган адолатли фуқаролик жамиятини қуриш, бунинг учун қуйидаги вазифаларни амалга оширишни ўзининг бош мақсади деб ҳисоблайди:

- инсон, унинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари давлат ва жамиятнинг энг юксак қадриятлари эканлигини тан олиб, жамият ва давлат ҳаётининг барча жабҳаларида ҳар бир инсоннинг фаровон ҳаёти учун зарур шарт-шароитлар яратиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлиги мезонларини таъминлаш;

- Ўзбекистоннинг эркинлик, имкониятлар тенглиги, адолатлилик, бирдамлик, ижтимоий ҳимоя ва масъулият тамойиллари ҳукмронлик қиласиган, инсонларнинг кескин табақаланишига йўл қўйилмайдиган кучли ижтимоий давлат сифатида, аҳолининг юқори турмуш даражасига эга ривожланган давлатлар қаторига қўшилишига эришиш;

- “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқга хизмат қилмоғи керак” ғояси давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини таъкидлаб, халқ ҳокимиятининг тимсоли бўлмиш вакиллик демократияси институтининг роли ва аҳамиятини янада ошириш;

- мамлакат иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлаш, жамиятнинг инновацион, интеллектуал салоҳияти ва инсон капиталини ривожлантириш;

- партиянинг асосий электорати ҳисобланмиш ишчи ва меҳнаткашлар, юқори малакали мутахассислар, бюджет соҳаси хизматчилари, педагоглар, шифокорлар, илмий ва инженер-техник ходимлар, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари ва бошқа хайриҳоҳлар манфаатларини самарали ҳимоялаш;

- ҳар бир инсон фаровонлигининг гарови бўлмиш тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, фуқаролик тотувлиги, миллатлараро ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлаш, мувозанатли, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёsat олиб бориш[2].

“Миллий тикланиш” демократик партияси халқимизда миллий ўзликни англаш ҳиссини ўстиришга ҳаракат қиласиган, тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва янада кўпайтиришга қўмаклашиш, ўзбек халқининг бой тарихи ва маданиятини ўрганиш, ушбу бойликларни ёш авлод ўртасида кенг миқёсда тарғиб этиш, ёшларда тарихий мерос ва халқ анъаналарига ҳурмат, эҳтиром уйғотиш каби кенг кўламли вазифаларни амалга ошириб келмоқда[3].

“Инсон ўзгарса – жамият ўзгаради” шиори остида аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш ва бартараф этишга қўмаклашиш, таълим ва тарбия сифати узлуксизлигини таъминлашга эътибор қаратиш, миллий

қадриятларни аҳоли орасида кенг тадбик этиш партияning устувор мақсадларидан саналади.

Ижтимоий адолат ва тенглик, ижтимоий бирдамлик, ижтимоий демократия партия сиёсий мафкурасининг асосий қадриятлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП) ижтимоий адолат ва тенглик деганда фуқароларнинг ҳуқуқ ва имкониятлардан эркин фойдаланишдаги тенглигини, ижтимоий ва моддий ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида барча бирдай маъсул эканлигини тушунади. Тенглик ва адолат барча – иқтисодий, гуманитар, маданий жабҳаларда мустаҳкам қарор топиши лозим, бу ижтимоий ўсиш ва ижтимоий барқарорликнинг асосий шартидир.

“Ўзбекистон овози” газетасининг 8-сонида Зилола Убайдуллаева томонидан “Зўравонликка қарши кучли қонун керак” сарлавҳасида мақола ёълон қилинган.

Мазкур мақолада зўравонликка қарши курашишда кучли қонун ҳужжатлари зарурияти ва бу соҳадаги қатор камчиликларни бартараф этиш кераклиги аниқ мисоллар билан очиб берилган.

НАТИЖАЛАР

Дунёда зўравонлик, куч ишлатиш ҳолатлари, айниқса, хотин-қизлар, болаларга нисбатан жиноятлар кўпаймоқда. Бу вазиятда энг аввало жавобгарликни кучайтириш ва зарур чораларни кўрсатиш самарали ҳисобланади. Бу каби ҳолатлар жисмоний ва руҳий таъсир бериш билан чегараланиб қолмай ҳатто жонига қасд қилиш каби аянчли ҳолатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Энг аянчлиси қурбон бўлғанларнинг қотили ўз қариндошлари ва яқинлари, aka-укаси ёки дўсти бўлиб чиқмоқда.

Айни шу кунларда Олий Мажлис қонунчилик палатасида хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилувчи қонун лойиҳасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда. Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишда қонун лойиҳасини бир овоздан мақуллади[4].

Амалдаги қонунчилигимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва унинг зўравонликка қарши курашишидаги қонун ҳужжатларида бир қатор масаларга этибор берилмаган ва натижада муаммолар юзага келмоқда.

Хусусан хотин-қизлар ва болаларнинг ҳуқуқларига дахл қилувчи жиноий қилмишлар учун санкциялар белгиланмаган. Шахс ҳаётининг сир тутиладиган тамонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор этганлик учун жиноий жавобгарлик қонунимизда акс этмаган. Жамиятимизда номусга тегиши каби ҳолатлар афсуски кўпайиб борябти. Хусусан номусга тегиши ҳолатлари 2020-йилда 156-та 2021-йилда эса 243-тани ташкил этган. Бу рақамлар кун сайин ортиб бормоқда. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида бу каби ҳолатлар

инобатга олинган. Хотин-қизлар, болалар масласи такомиллаштирилмоқда. Умуман олганда зўравонлик ва тазийқ ҳолатлари бўйича жавобгарлик кучайтирилмоқда. Зўравонлик турлари ва унга белгиланган жазо турлари ҳам аниқ кўрсатиб берилган. Бу эса қонун устувор бўлиши ва ҳукуқий жавобгарликни кучайишидан далолат.

“Ўзбекистон овози” газетасининг 8-сонида Тоштемир Мурод томонидан “Хитойлик олимлар камбағалликни қисқартиришга ёрдам беради” сарлавҳасида мақола эълон қилинган.

Мазкур мақолада мамлакатимиздаги иқтисодий ҳолатлар, аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш ва ижтоий ёрдамга муҳтож қатламига зарурий шароитлар яратиб бериш борасида изланишлар олиб борилган. Камбағалликни қисқартиш ва бу масалада Хитойлик олимлар билан ҳамкорлик қилиш масаласи ёртиб берилган.

Хитойлик амалиётчилар камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида вазир маслаҳатчиси вазифаларида ишлайди. Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси кўмагида хитойлик олимлар Чжан Си ва Сяо Лин мамлакатимизга келган. Олимлар вазирлик раҳбарияти билан учрашув ўtkizган. Улар ҳудудлардаги ҳолатни ўрганиб сўнгра камбағалликни қисқартириш бўйича дастур ишлаб чиқадилар.

Хитойнинг тарихидан маълумки ушбу давлат камбағаллик устидан тўлиқ ғалаба қозонгани эълон қилинган биринчи мамлакат ҳисобланади. Мамлакатимиз ва Хитой ўртасидаги олиб бораётган шерикчилик натижасида бу соҳадаги муаммо ва камчиликлар ўрганилиб кенг имкониятлар яратиб берилади.

Вазирлик раҳбариятининг маълум қилишича, мутахассислар дастлаб ҳудудларга сафар қилиб, соҳадаги ишларнинг бугунги ҳолатини ўрганди. Таҳлил натижасида янги мезонлар ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш режалаштирилган. Ўкув дастурларни қайта кўриб чиқиш орқали касб-хунар таълим тизимини ислоҳ қилиш ҳам алоҳида этиборга олинган.

Мақолада мавзу бўйича яна бир қатор далиллар ва хulosалар келтириб чиқарилган. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик натижасида бу тизимдаги муаммолар камайиши ва бандлик соҳасида юқори натижаларга эришиш каби тамойиллар очиб берилган. Қонуний меъёrlар ва таклифлар ўз ўрнида ва устамонлик билан ишлатилган[5].

“Ўзбекистон овози” газетасининг 9-сонида Тоштемир Худойқулов томонидан “Мансабдорлар ногиронлиги бўлган шахсларни навбациз қабул қиласи” сарлавҳасида мақола эълон қилинган.

Мазкур мақолада ногиронлиги бўлган шахсларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга яратилган имкониятларни намоён этиш, енгилликлар яратиш масалаларида сўз юритилган.

Адлия вазирлиги “Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори юзасидан матбуот анжумани ўтказди.

Вазирлик мутахассислари ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларининг кафолатларини янада мустаҳкамлаш, жамият ҳаётида иштирок этишлари учун қулай шароит яратиш зарурати, умуман, қарорнинг мазмун-моҳияти ва кузатилган натижалар тўғрисида маълумот берди. Ҳозирда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахслар сони 896 минг нафар (ахолининг 2,5%)ни ташкил этади. Ушбу шахсларнинг жамият ҳаётида иштирок этишлари, ҳақ-ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятлари мустаҳкамланмоқда.

Бу масаланинг этиборга молик жиҳати шундаки эндиликда 1ва 2 гурӯҳ ногиронлари давлат идораларида навбат кутмайдилар. Бу уларнинг муаммолари ва мурожаатларини кўриб чиқишида қандайдир имтиёз берилади, дегани эмас. Яъни, мансабдор шахс мурожаатларни қонунчиликда белгиланган тартибда кўриб чиқади. 2023 йил январ ойидан бошлаб Адлия вазирлиги томонидан “Юридик ёрдам” ахборот тизими ногиронлиги бўлган шахслар учун адвокатлар томонидан бепул профессионал юридик ёрдам берилади.

Бир сўз билан айтганда, ушбу қарор ногиронлиг бўлган шахсларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган энг муҳим ҳужжатлардан биридир.

“Ўзбекистон овози” газетасининг 9-сонида Тоштемир Мурод томонидан “Картадан картага пул ўтказиш қимматлашадими?” сарлавҳасида мақола эълон қилинган.

Мазкур мақолада ижтимоий тармоқларда тарқалган “Картадан картага пул ўтказиш қимматлашади” хабарга изоҳ берилган. Эслатиб ўтмоқчиман ушбу хабар ижтимоий тармоқларда тарқалгандан сўнг жамоатчилик муҳокамасига тушиб турлича талқин қилинган. Ушбу мақолада бу хабарга ҳуқуқий баҳо берилган. Вазирликнинг баёноти таҳлил қилиб берилган.

Ижтимоий тармоқларда мобил иловалар орқали бошқа одамнинг пластик картасига пул ўтказишида электрон хисобварақ-фактура тузилиши мажбурий бўляпти, деган хабарлар эълон қилина бошланди. Шундан сўнг, аҳоли орасида шу вақтгача тадбиркорларнинг активларини ўз базасида кўриб туришни истаган солиқчилар энди жисмоний шахслар ўртасидаги ўтказмаларни ҳам назорат қилмоқчи бўляяпти, деган гап-сўзлар пайдо бўла бошлади. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ахборот хизматига ушбу масалага ойдинлик киритиб беришни сўраб мурожат қилдик.

Вазирлик ахборот хизматининг маълумотига кўра, бугунги кунда солиқ соҳасидаги ислоҳотлар доирасида тадбиркорлик субъектларига тенг рақобат шароитини яратиш ва истеъмолчиларнинг хуқуқларини янада кафолатлашга қаратилган тадбирлар изчил давом эттирилмоқда. Шу боис Президентнинг 2023 йил 10 февралдаги фармонига асосан жисмоний шахслар ўртасида пул ўтказмаларини амалга оширувчи ташкилотлар 2023 йил 1 майдан бошлаб кўрсатилган хизматлар учун комиссия олинишидан қатъий назар, электрон ҳисобварақ-фактурани расмийлаштиришлари ва тақдим этишлари белгиланган[7].

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, бу жисмоний шахслар ўртасидаги пул ўтказмалари билан боғлиқ бўлиб, қонунчилик нормалари доирасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги муносабатларга тааллуқли бўлмайди.

Мазкур мақолада пул ўтказмалари соҳасидаги юзга камчиликлар бартараф этилиши айтиб ўтилган. Ижтимоий тармокда тарқалган хабарлар асосиз эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Партияning фикрича, халқимизнинг тарихий анъаналарида чукур илдиз отган ижтимоий бирдамлик -- аҳолининг ижтимоий ҳимояланганлик даражасини ошириш ва муҳим ижтимоий дастурларни ҳаётга самарали татбиқ этишда, давлат ва жамиятнинг барча илғор кучлари, иқтисодий фаол ва моддий таъминланган фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа жамоат институтларининг саъй-харакатларини бирлаштирувчи муҳим омил ҳисобланади.

Ижтимоий демократия – барча учун, шу жумладан, аҳолининг ҳимояга муҳтож қатламлари учун ҳам бирдай тегишлидир. Партия давлат фаолияти ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида мазкур устувор ижтимоий тамойилларни қарор топтириш ҳар бир инсонга сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда эркин ва масъулият билан иштирок этиш, аҳолининг нафақат ҳимояга муҳтож, балки барча қатлами манфаатларига мос келадиган кучли ижтимоий сиёsat юритиш имконини беради деб ҳисоблайди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, ор-номуси, эҳтиёжлари ва манфаатларига қаратилганини алоҳида эътироф этади. Энг муҳими, биз бугун халқимиз ва давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва бизнес ҳамжамияти, ҳаётнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган олижаноб мақсадларга эришишни ўзининг бирламчи вазифаси деб билади.

Ривожланишнинг ушбу босқичида жамият ва давлат ҳаётида эришилган марралар ва ютуқларни эътироф этган ҳолда партия ўз олдига қуидаги аниқ вазифаларни қўяди:

– дунёнинг 50 та ривожланган, иқтисодиёти барқарор ўсаётган ва инсон капитали юқори бўлган, демократик давлатлари қаторига Ўзбекистоннинг киришини таъминлаш;

– Ўзбекистоннинг бизнес юритиш ва инвестиция киритиш учун энг жозибадор мамлакатлар қаторидан ўрин олишини таъминлаш;

– Ўзбекистонни урбанизация қўрсаткичи 60 фоизга етган, замонавий шаҳарлар, мегаполисларга эга, янги технологиялар ёрдамида бутун мамлакат бўйлаб турмушнинг бир хил юқори даражаси таъминлаган, эркин ва баҳтли одамлар яшайдиган қудратли ва салоҳиятли давлатга айлантириш.

Партия ушбу мақсадларга либерал-демократия тамойиллари, шунингдек, “Жадал янгиланишдан – жамият тараққиёти ва гуллаб-яшнаши томон”, “Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади”, “Монополиянинг ҳеч қандай қўринишига йўл қўймаслик ва рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, шахсий мулкни ҳурмат қилиш” каби тамойиллар амалга оширилган очиқ ва кучли фуқаролик жамияти, конституциявий парламент демократияси, эркин бозор иқтисодиёти шароитидагина эришиш мумкин, деб ҳисоблайди ва эркинлик, масъулият, ҳалоллик, адолатлилик, бағрикенглик ва имкониятлар тенглиги партия учун асосий мақсад бўлиб қолишини эътироф этади. Партия, шунингдек, ҳалқнинг фаровонлиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга тайёр, янги, рақобатбардош ва ҳалқаро ҳамжамият учун очиқ мамлакатни барпо этиш, унинг барқарор ривожланишини таъминлаш вазифаларини ҳал қилишга қодир, келажаги порлоқ, аҳил жамоага таянади.

Сиёсий партиялар демократик бошқарувнинг энг муҳим субъектларидан бири сифатида жамият тараққиётини ўз қарашлари орқали ифодалаб беради. Бунинг учун “ҳар қандай партия агар ўзини сиёсий партия деб ҳисобласа, авваламбор аниқ ғояга эга бўлиши билан бирга нимагадир ёки кимгadir муҳолиф бўлиши зарур. Мана шундай ҳолат ва мана шундай ёндошиш партиянинг тарафдори ва унга ишонган инсонлар ҳамда жамоага аниқ- равshan маълум бўлиши даркор”[8]. Шундай экан, ҳар бир сиёсий партия ўз дастурий мақсад ва вазифаларидан кенг жамоатчиликни хабардор этиши, тарғиб қилиши, электорати ва хайриҳоҳлари сонини мунтазам ортиб боришига эришиши, бунинг учун ўзининг босма нашрларининг имиджи ҳамда кенг жамоатчилик билан алоқаларнинг турли замонавий шаклларидан самарали фойдаланишлари лозим. Кўппартиявийлик демократик сиёсий тизимнинг узвий белгисидир. Сиёсий тизимда хилма-хил сиёсий партияларнинг мавжуд бўлиши, ҳокимият учун

кураш олиб бориши ёки ҳокимиятни амалга оширишда фаол иштирок этиши сиёсий жараёнлар демократик тартибда, ўзаро рақобатлашув ва ҳамкорликда амалга ошишининг гаровидир.

Кўриниб турибдики, сиёсий партияларнинг ҳаракат дастурлари бир-биридан маълум маънода фарқ қилса-да, умумий мақсадга яқин. Яъни, ҳар тўрттала партия халқнинг тинч-тотув, фаровон ҳаёти, мамлакат иқтисодий тараққиётининг янада тезлашуви, ижтимоий адолат принципларига қатъий амал қилинишини таъминлаш, очиқлик, ошкоралиқ, янги авлод тарбияси, миллий ва умуинсоний қадриятларнинг сақланиши учун курашади.

Ҳозир Ўзбекистонда бешта сиёсий партия мавжуд бўлиб, улар парламентнинг Қонунчилик палатасида ўз фракцияларига эга. Булар: Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, Адолат социал-демократик партияси, Экологик ҳаракат партиялари. дир. Демократик принципларга амал қиласидан сиёсий тизимда кўпартиявийлик, сиёсий плюрализм қатор афзалликларга эга. Бу тизим биринчи навбатда сиёсий яккаҳокимликка қарши туради; иккинчидан, сиёсий баҳс-мунозара га шароит яратади; учинчидан, муҳим ижтимоий-сиёсий қарорлар қабул қилинишида барча сиёсий кучларнинг тенг ва фаол иштирок этишини таъминлайди. Биз бугун бу ҳолатни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисларида аниқ-равшан кўриб турибмиз. Қонунлар лойиҳасини муҳокама қилишда фракциялар, айрим депутатлар кутилган даражада фаоллик кўрсатмоқдалар.

Демократик жамиятда сиёсий партияларнинг муҳим вазифаларидан бири фуқаролик жамияти ва давлат ўртасида икки томонлама алоқани таъминлаш ҳисобланади. Мамлакатимизда сиёсий партиялар давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда иштирок этиш, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатига таъсир кўрсатиш имкониятини амалда қўлга киритдилар, шу сабабли давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида уларнинг роли сезиларли даражада ошди. Жамиятни эркинлаштириш жараёни сиёсий институтлар – партиялар, нодавлат ва жамоат ташкилотларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билан бевосита боғлиқ, деган фикр ўз тасдиғини топмоқда.

Партиялар конституциявий мақомга эга бўлдилар. Конституция қоидаларига мувофиқ, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”, “Фуқаролар сайлов хукуқларининг кафолатлари тўғрисида”, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги қонунлар, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш шароитида сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонун

ва бошқа бир қанча қонун мақомидаги ҳужжатлар қабул қилинди. Бугунги кунга келиб ривожланишнинг тадрижий йўлидан бораётган Ўзбекистон сиёсий партиялари ўз фаолиятларида анча катта амалий тажриба тўпладилар.

Биринчидан, мамлакатда қўппартиявийликни шакллантириш учун сиёсий-хуқуқий ва бошқа шароитлар амалда юзага келганидан сўнг, қўп партияли тизим, шунингдек, ҳозирги замон партия тизимининг барча зарур атрибуллари яратилди.

Иккинчидан, фаолият қўрсатаётган партияларнинг ҳар бири ўз активини таркиб топтирди, профессионал партия кадрларининг етарли қатлами, шунингдек, тегишли партиявий мўлжал, сиёсий ва хуқуқий маданиятга эга бўлган электорат шаклланди, аҳолининг ижтимоий фаоллиги кучайди.

Учинчидан, сиёсий партия самарали фаолият қўрсатишини таъминловчи замонавий қўп партияли тизимни ривожлантиришнинг хуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар фаолияти хуқуқий асосларининг ривожланишини уч муҳим босқичда кўриш мумкин.

Биринчи босқич (1991–1994 йиллар) – умрини яшаб бўлган шўро бир партияли тизимидан қўппартияли тизимга ўтиш. Қўппартиявийликнинг шаклланиш жараёни Ўзбекистонда қўппартиявийликнинг тарихий илдизлари ва уларни тартибга солиш тажрибасига эга бўлмаган бир шароитда бошланди. Айни шу даврда қўппартиявийликнинг хуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Фуқаролар сайлов хуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги (1994) қонунлар қонунлар қабул қилинди.

Ушбу қонун ҳужжатлари ёрдамида мазкур босқичда қўйидаги вазифалар ҳал қилинди:

- бир партиялилиқдан қўп партияли тизимга аста-секин ва шикастсиз ўтиш амалда таъминланди;
- қўппартиявийликни ривожлантириш ва давлат ҳокимияти вакиллик органларини демократик асосда шакллантиришнинг хуқуқий базаси яратилди;
- Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан фуқароларнинг сиёсий партияларга бирлашиш хуқуқ ва эркинликлари кафолатланди (34-модда); аҳоли турли қатламлари ва гуруҳларининг хоҳиш-иродасини ифодаловчи ва давлат ҳокимиятининг марказий ва маҳаллий органлари фаолиятида ўзларининг демократик йўл билан сайланган вакиллари орқали иштирок этувчи сиёсий партияларнинг хуқуқий мақоми белгиланди (32, 60, 77-моддалар); конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг

конституциявий ҳукуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг тузилиши ва фаолияти тақиқланди (57- модда).

Иккинчи босқич (1995–2004 йиллар) – кўппартиявийликнинг амалда шаклланиши, парламентда партия фракцияларининг фаолият кўрсатиши даври. 1996 йилда “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистонда кўп партияли тизимни яратиш йўлида ташланган муҳим қадам бўлди. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги (1999), “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги (2003), янги таҳрирдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги (2003), “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги (2004) қонунлар қабул қилинганидан кейин сиёсий партияларнинг ҳукуқий мақоми янада мустаҳкамланди.

Иккинчи босқичда кўппартиявийликни ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишлари:

- партия иши тажрибасининг тўпланиши ва партия менежменти эндиғина шаклланаётган шароитда партия қонунчилиги тизимининг шакллантирилиши;
- партиялар ҳокимиятнинг вакиллик тармоғида ўз сиёсатини уюшқоқлик билан олиб боришлари учун Олий Мажлисда партияларнинг фракциялари ва маҳаллий халқ депутатлари Кенгашларида депутатлар гурухларининг тузилиши;
- кўп партияли демократик сайлов натижаларига кўра икки палатали парламентнинг шакллантирилиши ва Қонунчилик палатасида партиялар тўлақонли вакиллигининг таъминланиши;
- сиёсий партияларнинг парламент фракциялари фаолияти ҳукуқий асосларининг яратилиши билан борғлиқ бўлди.

Учинчи босқич (2005 йилдан бошлаб) – давлат бошқарувини демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролининг кучайтирилиши. “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги конституциявий қонунда сиёсий мўлжаллари турлича бўлган, сайловдан сўнг таркиб топтирилган мамлакат ҳукумати томонидан эълон қилинган ва амалга оширилаётган сиёсат ва дастурга ўз муносабатини турлича белгилаган партия фракцияларининг ҳукуқий мақоми аниқ таърифланди.

Бугунги кунда сиёсий партияларнинг ривожланиш жараёни уларнинг нуфузи ошганидан, давлат бошқаруви органларининг иши устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда уларнинг роли кучайганидан, мамлакатни ижтимоий-иктисодий ва сиёсий-хукуқий ривожлантириш жараёнларига таъсир қўрсатиш имкониятлари кенгайганидан далолат беради[9].

Кўриб турганимиздек, Ўзбекистон Республикасида партиявий қурилиш жараёни демократия, хукуқий давлат ва фуқаролик жамияти тақдири учун улкан аҳамият касб этади. Моҳият эътибори билан, давлат ва жамият ўртасида шерикчилик муносабатларининг шаклланиши, инсон хукуқлари ҳимоясини, жамият ва мамлакат ривожланиши учун қулай шароитларни таъминлашга бурчли бўлган қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятлари фаолиятининг самарадорлиги партия тизими ривожланиш жараёнининг унумдорлиги билан белгиланади. Ривожланган партия тизими оммавий ахборот воситалари мустақиллиги ва объективлигининг, том маънодаги фуқаролар ўзини ўзи бошқарувининг, мамлакат фуқароларининг конструктив ижтимоий фаоллиги ва бирдамлигининг муҳим шарти ҳисобланади.

ХУЛОСА

Сиёсий партиялар нашрлари таҳририят олдидаги бош вазифасидан келиб чиққавн ҳолда, йирик кампаниялар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ва Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловларни ёритиши, сайловчиларни Президентликка ва депутатликка қўрсатилган номзодларнинг дастурлари билан таништиришда талаб даражасида фаоллик қўрсатадилар. Ҳар тўрттала газетада номзодларнинг вилоятлардаги учрашувлари батафсил ёритилади, маъruzаларда илгари сурилган ташаббусларнинг моҳиятини очиб беришга интилиш бор, албатта. Шу билан бирга, газеталар кўпроқ сайлов тараддудини ёритишига ҳаракат қиласидилар. Холис айтганда, бунга жиддий эътиroz билдириш қийин, аммо сайлов кампаниясини ёритишида газеталар танлаган стратегияда, масалан, депутатликка номзодларнинг дастурларида маълум ўхшашлик, бир-бирини такрорлаш ҳам кўзга ташланади.

Эътироф этиш керакки, “Миллий тикланиш” газетасида маънавий мавзулар етакчилик қиласиди. Таҳририят билан ижодий ҳамкорлик қилаётган муаллифлар орасида таниқли ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат арбоблари, сиёsatшунос, маъnaviyatshunos олимлар кўпчиликни ташкил этади. Яна бир жиҳати – газета материалларида турли нуқати назарларни эркин баён қилиш бошқа газеталарга нисбатан кўпроқ, десак, муболаға бўлмайди. Бу жиҳатни “Адолат”, “Ўзбекистон овози” газеталарида ҳам сезиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Беков И.Р. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва сиёсий партиялар: Монография. Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2010.
4. Дўстмуҳаммад Х. “Журналистнинг касб одоби муаммолари: назарий-методологик таҳлил” (Монография) Т.: Янги аср авлоди, 2007. Б.166.
5. Жумаев Р., Қобулов М. Кўппартияйийлик – давр талаби // шарқона босиқлик сири. –Тошкент: Ўзбекистон, 1994.
6. Ирназаров К.Т. ва б. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. Т.: MPC, 2002.
7. Ирхин Ю.В., Зотов В.Д., Зотова Л.В. Политология: Учебниe. –М.: Юристъ, 2000. – С. 269-270.
8. Теория политика: Учебное пособие / Под ред. Б.А.Исаева. –СПб: Питер, 2008. – С. 224.
9. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. – Тошкент: Шарқ, 1998. – Б.97.